

Насронийларга таъзия билдириш мумкинми?

18:38 / 24.04.2016 4723

Мусулмон киши насронийларнинг дафн маросимида («похорон»ида) иштирок этиши мумкинми ёки унга бормагани маъқулми? Ишхонада мен билан бирга ишлайдиган насроний динидаги бир кишининг яқин одами оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришим керакми?

ЖАВОБ: Мусулмон кишининг насронийлар дафн маросимига бориши мумкин. Аммо ибодатларида иштирок этиш мутлақо мумкин эмас. Агар ишхонада сиз билан бирга ишлайдиган бир насронийнинг яқин кишиси оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришингиз мумкин (Аллоҳ билувчидир).